

СУДЛАНГАН ШАХСЛАРГА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

*Иканова Лазокат Султонназир қизи
Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети ўқитувчиси
lazokat.ikanova@icloud.com*

Аннотация. Инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ таълим тизими умуминсоний қадриятларни, ижтимоий-маданий қадриятларни, аждодларимизнинг бой меросларини ўрганиш, ўз фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш орқали қобилиятларни ривожлантириш асосида мустақил, эркин шахсни шакллантиришни назарда тутади.

Калит сўзлар: судланган шаҳслар, жазони ижро этиш муассасалари, тўгараклар, тарбиялаш тизими, хорижий тиллар.

Мустақил ҳаётий позицияга эга бўлган фаол шахс ҳаётий муаммони ҳал қилишга танқидий ёндашиши, онгли танлов қилиши ва ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўлиши мумкинлигини англаб етиши лозим. Айнан шу фазилатларни шакллантириш судланган (жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар) шахсларни тарбиялашнинг устувор вазифасидир.

Шу боис, касб-хунар, меҳнатнинг янги индивидуал шаклларини жорий этиш, маҳкумларни тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, уларни меҳнат ва тарбиявий ишларга жалб этиш кўзда тутилган.

Табиийки судланганлар, хусусан, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар учун ушбу муассасалардаги вақт озодликдаги ҳаётга қараганда секинроқ давом этаётгандай туюлади. Шунинг учун, ҳар ким ўз вақтини қандай тақсимлашини ҳамда бу муддатни нимага ва қандай бағишлиши борасида ўзи қарор қабул қиласди.

Айримлар ўзларини хунарга (дурадгорликка, мебель ясаш ва бошқаларга), адабиётга (мутолаа, шеър ёзиш), расм чизишга, дин ўрганишга бағишлийдилар. Озодликда фуқаролар орасида хорижий тилларни ўрганишга қизиқиши катта бўлгани каби (Иканова Л., 2019), судланганлар орасида ҳам чет тилларини ўрганишга кўплаб қизиқувчилар топилади.

Эътироф этиб ўтиш лозимки, жазони ижро этиш муассасаларида хориж тилларини ўрганиш амалиёти жуда кам ёки умуман йўқ бўлиб, бу борада тўгараклар фаолияти ҳам деярли йўлга қўйилмаган. Бироқ, судланганлар орасида чет тилини ўрганишга бўлган талаб жуда юқори деб айтсан хато қилмаган бўламиз.

Судланганларнинг чет тилини ўрганишга бўлган катта қизиқишини янада билимли бўлиш ва олинган билимларни чекланмаган (озод) жамиятда қўллаш истаги билан изоҳлаш мумкин.

Рус олим Г.А.Китайгородская таъкидлашича, чет тилини ўргатишнинг асосий мақсади ўз ҳаётида мақсадли равишда тилдан фойдаланишини рағбатлантириш ҳисобланади. Бу мулоқот қобилиятлари, компетенция ва маданиятни ривожлантиришни англатади.

Шу сабабли хорижий тилларни ўрганиш бўйича машғулотларда ўқувчиларни дарсларда фаол иштирок этишга, мулоқот қобилиятларини ривожлантиришга, тилни ўзлаштиришга қизиқиш ва мотивацияни ривожлантиришга ундайдиган баъзи устувор йўналишлардан фойдаланиш лозим.

Олим Т.А. Казакова судланган шахсларга хориж тилларини ўргатишнинг аҳамиятини қўйидагича изоҳлайди, судланганлар тоифасидаги шахслар томонидан чет тилларини ўрганиш келажакда ўз хуқуқларини муваффақиятли амалга ошириш ва ўз мамлакатининг фойдали фуқароси бўлиш имкониятини беради, чунки жазони ижро этиш муассасаларида чет тилини ўргатиш жараёни маҳкумларнинг инсонпарварлик қадриятларини шакллантиришга, жиноий судловни амалга ошириш доирасида уларни тузатиш ва қайта тарбиялашга ҳисса қўшади ва ёрдам беради.

Мамлакатимизда ҳам судланган шахсларга таълим бериш, касб тайёргарлиги борасида, шу жумладан хориж тилларини ўқитишнинг қўйидаги хуқуқий асослари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига кўра:

7-модда. Маҳкумни ахлоқан тузатиш. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари.

...

“Маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва хунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради.

Кўриниб турибдики, юқоридаги моддада таълим ва касб тайёргарлиги маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига киритилган.

97-модда. Маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб бориш

“Тарбиявий ишлар босқичма-босқич равишда қўйидагича амалга оширилади:

...

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг талаб мавжуд бўлган касблар ва мутахассисликларга оид касбий таълимини ташкил этиш,

ўқиши тугаллаганидан сўнг тегишли ҳужжат бериш ҳамда уларни кейинчалик ишга жойлаштириш”.

Юқоридаги моддада судланган, хусусан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг замонавий касблар ва мутахассисликларга доир касбий ўқишини ташкил этиш, таълимни тамомлаганидан кейин уларга тегишли ҳужжат бериш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган.

97¹-модда. Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини аниқлаш мезонлари

“Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг тузалиш йўлиги ушбу Кодекснинг 102¹-моддасида назарда тутилган комиссия томонидан ҳар чорак якунларига кўра қўйидаги мезонлардан бири асосида белгиланади:

маҳкумнинг меҳнатга вижданан муносабатда бўлиши, белгиланган меҳнат нормаларини бажариши, онгли равишда мустақил ишлаш кўникмаларининг шаклланганлиги, ўқишига ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқиши;

...”;

Мазкур моддадан англашиладики, судланган, хусусан, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлиги унинг ўқишига ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқиши мезони билан ҳам белгиланади.

100-модда. Маҳкумларнинг умумий ўрта таълими

“Маҳкумларнинг олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, манзил-колониялардаги маҳкумлар бундан мустасно бўлиб, улар ўкув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олишлари мумкин”.

Ушбу моддада манзил-колониялардаги маҳкумлар ўкув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олиш ҳуқуқи мавжудлиги билан боғлиқ нормалар баён қилинган.

101-модда. Маҳкумларнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва касб тайёргарлиги

“Жазони ижро этиш муассасаларида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими берилади ва (ёки) маҳкумлар ишлаб чиқаришда касбга ўргатилади.

Маҳкумларга ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бериш ва уларни касбга ўргатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади”.

Кўриниб турибдики, маҳкумларга ўрта маҳсус, касб-хунар таълими берилиши қонунчиликда мустаҳкамланган.

115-модда. Манзил-колонияларда маҳкумлар меҳнати ва таълими

“Маҳкумларга муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида сиртдан ўқишига рухсат этилади”.

Ушбу нормада маҳкумларга ўзи сақланаётган муассаса жойлашган ҳудуддаги олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида таҳсил олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига асосан:

481-модда. Озодликни чеклаш

“...

Суд озодликни чеклашга хукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий заарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишига жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклashi мумкин”.

Бундан кўриниб турибдики, суд томонидан судланган шахс, яъни озодликни чеклашга хукм қилинган шахснинг зиммасига ўқишига жойлашиш мажбуриятини юклashi мумкин. Бу эса бевосита тил ўрганишнинг ахамиятини ошрадио чунки Президентимизнинг қарорларига кўра олий таълим муассасаларига ўқишига кириш учун талабгорлардан хорижий тилдан имтиҳон олинадиб ёки тил билиш даражасини кўрсатувчи сертификатлар талаб қилинади. Бу эса ўз навбатида хорижий тилни (жумладан инглиз тилини) таълимда ахамияти катта экинлигини билдиради (Кучкаров В., Иканова Л., 2022).

70-модда. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш

“Жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишига ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин”.

Мазкур моддага кўра, кишининг намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишига ҳалол муносабати шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотишига, бунинг натижасида уни жазодан озод қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Умуман олганда, ижтимоий хавфлилиknинг йўқолиши деганда, ишнинг судда кўрилиши вақтига келиб, жиноятни содир этиш ва ижтимоий хавфли бўлган оқибатларнинг юзага келишида таркибий қисм бўлган, шунингдек ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги учун жиноий таъқиб этиш учун хизмат қилган ҳолатлар, сабабларнинг бартараф этилиши тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Darvishova, G. K. (2023). ШАРЛОТТЕ БРОНТЕ ИЖОД ҚИЛГАН ВИКТОРИЯ ДАВРИ. Innovative Development in Educational Activities, 2(19), 238-243.
2. Djabarovna, S. N. (2021). Synonymous pairs of lexical units. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(2), 910-913.
3. Ikanova, L. (2019). Learners' digital literacy of students in language classrooms. Trends in Teaching Foreign Languages: Achievements, Challenges and Solutions, 98-99.

4. Kenjabayevna, D. G. (2023). USING VIDEOS IN EFL LESSONS. Journal of new century innovations, 25(3), 91-93
5. Khasanova, D., Ulmasbaeva, M., & Ikanova, L. (2019). IT IS TIME TO CHANGE THE SUBJECT MATTER OF ENGLISH AT VOCATIONAL COLLEGE. EPRAInternational Journal of Multidisciplinary Research, 48-52.
6. Khasanova, D. (2022). Pedagogical Opportunities of Developing Professional Qualities in Religious Studies Students Based on English Language Materials. Eurasian Research Bulletin, 13, 98-101.
7. Muminova, D. A.(2023). Improvement of students' tolerance level by teaching English. Journal of advanced scientific research, Vol.3. Issue 11 page 10
8. Shirinova, N., & Abdullayeva, N. (2014). English for You. Study-book for the intermediate students of irrigation and melioration.
9. Умарова Ф. З. Развитие личности учащегося—залог обеспечения устойчивого развития //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2011. – №. 9. – С. 644-645.
10. Xodjakulova F.R.(2020). Analysis of terminology of literary criticism in English. Namangan davlat universiteti.Ilmiy axborotnomasi.11son.2020 yil.
11. Казакова Т.А. Изучение иностранного языка осужденными в рамках кружковой работы в исправительных учреждениях ФСИН России // Ведомости уголовно-исполнительной системы, 2022, №7. – С.67.
12. Китайгородская Г.А. Оптимальная организация учебного процесса при интенсивном обучении иностранным языкам взрослых // Психология и методика обучения иностранным языкам. М., 1978. – С.39.
13. Кучкаров, В., & Иканова, Л. (2022). THE ROLE OF EDUCATION AND UPBRINGING IN THE PROFESSIONAL ORIENTATION OF YOUNG PEOPLE. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 3(2).
14. Латипов, О.Ж. Коннотативный характер наименований диких птиц в русском и узбекском языках//ФарДУ. Илмий хабарлар журнали, 2021 йил, №5, 140-145 б.
15. Умарова Ф. З. О ВНЕДРЕНИИ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ОБУЧЕНИЮ В СИСТЕМЕ ОБЩЕГО СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ //Образование через всю жизнь: Непрерывное образование для устойчивого развития: тр. междунар. сотрудничества.–Т. 7/сост. НА Лобанов; под науч. ред. НА Лобанова и ВН Скворцова. Ленингр. гос. ун-т им. АС Пушкина, НИИ соц.-экон. и пед. пробл. непрерыв. образования.–СПб.: ЛГУ им. АС Пушкина, 2009.–512 с. – 2009. – С. 375.
16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси.
<https://lex.uz/acts/163629>, <https://lex.uz/docs/111453>
17. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига шарх. 499-бет
18. Ширинова, Н. (2023). ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ҲАРБИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЙОРТЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ ГАПИРИШ КҮНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Innovative Development in Educational Activities, 2(19), 281-287.
19. Ширинова, Н. Д. (2010). ПРЕДМЕТНОСТЬ И КАЧЕСТВО: ОТ СИНКРЕТНОСТИ К ДИСКРЕТНОСТИ. Филологические науки. Вопросы теории и практики, (2), 198-201.